

ИРИМЛАР ФОЛЬКЛОР ЖАНРИ СИФАТИДА

Насиба Турсунова

Навоий давлат педагогика институти доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7217630>

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек халқининг бола туғилиши ва уни бешикка боғлаш маросимлари жараёнида амал қилинадиган ирим айтимлари борасида мулоҳза юритилади. Иримларнинг ижтимоийлашуви, поэтик тафаккурга кўчиши ва ўринлашув ҳодисаси таҳлил қилинган. Шунингдек, иримлар тарихий асослари хусусида назарий мулоҳазалар баён қилинган.

Ключевые слова: ирим, мифология, бешик, тирноқ, исириқ, алла, айтим.

IRIMS AS A GENRE OF FOLKLORE

Abstract. In this article, there is a discussion about the traditions of the Uzbek people, which are used during the rituals of the birth of a child and tying it to the cradle. The phenomenon of socialization of Irims, transition to poetic thinking and accommodation is analyzed. Also theoretical foundations of Irim are presented.

Key words. Superstition, mythology, cradle, nail, incense, alla, saying.

ИРИМЫ КАК ЖАНР ФОЛЬКЛОРА

Аннотация. Данная статья посвящена обрядам узбекского народа при рождении ребёнка и его укачиванию. Анализируется феномен социализации иримова, переход к поэтическому мышлению, аккомодация. Также представлены теоретические соображения об исторических основаниях ирима.

Калит сўзлар: ирим, мифология, люлька, ногти, исириқ, колибельная.

КИРИШ

Ҳар қандай халқнинг маънавий дунёқараши унинг ижтимоий ҳаёти, маиший турмуш тарзи, анъаналари ва расм-русмлари, фольклори билан белгиланади. Фольклор халқнинг этник ўзига хосликлари ва миллий белгиларини сўз орқали ифода этувчи муҳим манба сифатида характерлидир. Жаҳон фольклоршунослигида маросимлар ва уларнинг айтимларини ўрганишга иштиёқ XX асрдан олдинроқ майдонга келган эди. Фарбда XIX асрладаноқ маросимлар ва уларнинг мифологик моҳияти билан боғлиқ тадқиқотлар яратилган эди. Британиялик антрополог Джеймис Джордж Фрэзеер магия ва динга доир яратган улкан тадқиқотида биринчилардан бўлиб, инсон туғилиши, соч олиши ва тирноқларини олиш билан боғлиқ иримлар тадқиқ этилган эди.[1] 1923 йилда Лондонда чоп этилган мазкур тадқиқот башарият тарихида магия ва унинг ижтимоий моҳияти, иримлар ва маросимларда қадимий магик тасаввурлар излари борасида яратилажак кейинги тадқиқотларга замин ҳозирлади. Жаҳон фольклоршунослигида маросим фольклори материалларини чуқурроқ ўрганиш ишлари бошлаб юборилди. 1742 йилда рус сайёҳи Яков Иоган Линденау Тунгус шомонларининг магик маросимлари ва иримларини ўрганди.[2] Россия ҳудудидаги олимлар бевосита магик маросимларни ўрганиш билан бирга анъанавий фольклор жанрлари тарихий асосларини ҳам қадимги мифологик тасаввурлар замиридан изладилар.[3] Бу изланишлар кейинчалик бизнинг фольклоршунослигимизга ҳам таъсир кўрсатди. Бу борадаги изланишлар таниқли ўзбек фольклоршуноси Б.Саримсоқовнинг маросим фольклори юзасидан олиб борган тадқиқотида илдизи қадимий этикодаларга бориб тақаладиган иримлар ҳам магик ва

маиший маросимлар таркибида учраши қайд этилган эди. [4] Кейинчалик ўзбек фольклоршуноси М.Жўраевнинг қатор тадқиқотлари ва эълон қилган китобларида иримлар билан боғлиқ илмий талқинларга эътибор берилганлиги кўрамаиз.[5] XXI аср бошларида фольклоршунос О.Қаюмов ирим ва мифологик талқин хусусида мақола эълон қилган эди.[6] 2017 йилда эса, И.Ёрматовнинг ирим айтимларининг жанр хусусиятлари борасидаги тадқиқоти эълон қилинди.[7] Юқорида қайд этилган тадқиқотлар ўзбек иримларининг алоҳида фольклор жанри сифатида ўрганилиши лозимлигини кўрсатди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маросим ва удумларнинг қадимги шакллари муайян эътиқодий қарашларни ифодалашга хизмат қилган. Чақалоқни илк бор бешикка ётқизиш маросимида бажариладиган ҳар бир удум, расм-русум ва ирим-сиримлар ҳамда ижро этиладиган матнлар фақатгина боланинг эсон-омон улғайиши, ёвуз кучлар хуружидан сақланиши ва узоқ умр кўриши билан боғлиқ халқ қарашларини ифодалаганлиги билан ажралиб туради.

Юртимизни турли гўшаларида бўлгани сингари қадим Кармана ҳам ниҳоятда расм-русумга, урф-одатларга бой ҳудудлардан ҳисобланади. Карманаликлар оилада чақолоқ дунёга келгандан сўнг болани бешикка белаш учун “бешик кеча” маросими ўтказадилар. Улар урф-одатига кўра маросимда келиннинг онаси бир тоғорада (ис) бўғирсоқ қилиб, яна болага турли кийим-кечак, таомлар билан чақалоқли хонадонда кириб келади.

Чақалоқни бешикка белашдан аввал, ёши улуғ момо чақиртирилиб болани чўмилтирилади. Болани илк бор чўмилтирганда айтиладиган айтимлардан:

Сув пок, сан нопок,

Пок сув санга бўлсин

Сени нопоклигинг

Амиру хонларга бўлсин [8]-деб айтимлар айтилади.

Чўмилтирилган сув мевали дарахтнинг тагига тўкилади. Бунинг боиси ўзидан кўпайсин, серфарзанд бўлсин деган эзгуликларга йўғрилади. Бола чўмилтирилган сувнинг мевали дарахт остига тўкилиши, боланинг келажакда серфарзанд бўлишини тилаш моҳиятини англатиб, бу ирим аждоқларимизнинг муқаддас дахт култи билан боғлиқ мифологик тасаввурлари натижасида шаклланган ҳодисадир. Сувнинг ҳар нарсани поклаши, сув поклик тимсоли сифатидаги қарашлар ҳам қадимги сув култи натижасида шаклланган ҳодиса бўлиб, кейинчалик халқ поэтик тафаккурида мифологик тасаввурнинг поэтик моҳият касб этган ҳолда мифопоэтик вазифа бажаришини таъминлаган. Боланинг дунёга келиши билан кичик чилла ичида уни сувда поклаш, яъни чўмилтириш инс-жинслардан тозалаш учун бажариладиган амал саналади. Қадимги туркий халқлар мифологиясида инс – жинслар, ёвузлик кучлари нопок жойларда, қон тўкилган ёки қон теккан жойларда бўлади деб таввур қилинади. Ўзбек шомонлари томонидан ўтказиладиган “Момооши” маросимида дастурхонга қурбонлик қилинган жониворнинг қонини косаларда кўйиб, мифологик ҳомийларни чорлаш анъанаси борлиги фольклоршунос О.Қаюмов томонидан қайд этилган эди. [9] Демак, қон жинларни, ёвуз руҳларни ўзига жалб қилиши борасидаги тасаввурлар натижасида болани чўмилтириш ва поклаш анъанаси шаклланган. Аждоқларимизнинг мифологик тасаввурлари болани бешикка боғлаш билан боғлиқ маросимлар айтимларида ҳам ўз ифодасини топган.

Бошқа бир жойларда чўмилтирилган сувни қибла тарафга қараган деворга узун қилиб сепилади. Умри узоқ бўлсин, бўйи-бастаи узун бўлсин деб ният қилинади. Мазкур

иримда қибла ва сув деталлари алоҳида аҳамият касб этади. Қиблага қараган узун деворга сепиш ибтидоий мифологик тасавурларнинг ислом мифологияси таъсирида ўзгаришга учраганини кўрсатади. Иримларнинг дифформациялашуви турли эътиқодий тасаввурлар кесимида кечади. Ирим мифологик тасаввурлардан ҳаркатга, ҳаракатдан оғзаки матнга кўчиши мифопоэтик ҳодисадир. Бундай одатлар ўзига хослиги билан бешикка боғлаш билан боғлиқ расм-русмларни ташкил этади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Маросимнинг иккинчи қисмида чақалоқнинг онаси ҳам ювиниб келади ва боланинг олдига олиб чиқилади. Чунки, она-боланинг чилласи бир-бирига тушмаслиги учун бажариладиган иримдир. Онанинг бошидан токи бел-оёғигача босилиб, маҳкам боғланади.

Момо шу зайлда болани боғлашда: “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!” – деб чақалоқни икки қўллаб кўтариб олиб, бешикка ётқизар экан, биринчи марта боланинг бошини бешикнинг ўнг тарафига қаратиб эмас, балки бешикнинг оёқ томонига тўғрилаб ётқизмоқчи бўлади ва маросимда иштирок этаётган аёлларга қараб:

– Бу тарафга қаратиб ётқизайми, ўнгми, чапми? – деб мурожаат қилади. Бешик кечада қатнашаётган аёллар эса баб-бараварига бунга эътироз билдиришиб:

– Йўқ-йўқ, э, бийиси қурмағур-ей, чақалоқни чаппа қилиб ётқизасизми! – деб чувиллашади. Аёллардан эътирозли жавоб эшитган момо яна ҳазил қилиб чақалоқни бешикнинг энига қаратиб кўндаланг тутиб туриб:

– Ана бунақа қилиб ётқизайинми бўлмаса, ўнгми, чапми!? – деб сўрайди. Маросим қатнашчилари яна “Йўқ, йўқ!” – дейишиб, рад жавоби берадилар. Момо учинчи мартасида чақалоқни тўғри қилиб, яъни боланинг бошини бешикнинг ўнг тарафига қилиб ётқизади. Маросимда иштирок этаётган аёллар ҳам буни маъқуллашиб “Ўнг-ўнг!”, – деб қичкирадилар. Шундан сўнг момо кўлида бир ип олиб, маросим иштирокчиларининг ҳар бирига қараб:

– Уйқунгизни сотдингизми? – деб сўрайди. Ҳар бир аёл “Ҳа, уйқумни сотдим”, – деганидан кейин момо кўлидаги ипга битта тугун солаверади. Шу тариқа ҳамма аёлнинг уйқусини “сотиб олгач”, бир неча тугун тугилган ипак ипни бешик куббасига боғлаб кўяди-да:

– Бачагинам уйқучи бўлсин, онаси тандир-тандир нон ёпгунча ухласин, бийиси ҳамсоясиникига бориб келгунча ухласин, илоҳи омин! – деб фотиҳа қилади.[10]

Бешик маросимларида амалларни бажаришда чап ва ўнгнинг алоҳида магик моҳияти бор. Мифологик тасаввурларга кўра, чап ёвуз кучлар тарафи, ўнг эзгу кучлар томони сифатида қаралади. Шунинг учун ўзбек халқи ҳаётида ҳаракатни ўнгдан бошлаш анъанаси чапдан бошлашни тақиққа учрашига ва иримнинг келиб чиқишига замин ҳозирлаган.

Бешик куббасига ипни тугиш орқали чақалоқнинг уйқусини сотиб олиш ва ипга тугиш магик амали бажарилади. Мазкур ретуал қадимги аждодларимизнинг предмет магияси билан боғлиқ мифологик тасаввурлари натижасида шаклланган. Магик қудратга эга деб саналувчи момо томонидан ипнинг тугилиши ва “уйқунгизни сотдингизми?” деб сўраши ўзига хос магик айтим маъносини бажарган. Аслида уйқу сотилмайди, у мавҳум тушунча, абстракт от. Аммо, Ғайб олами билан алоқада бўлувчи момо унга магик моҳият бағишлайди. Боланинг бешикка солиш маросими бир кўринишда маиший маросим бўлса-

да, аслида у замин ва Ғайб олами вакиллари ўртасида бажариладиган магик маросимдир. Инсон туғилгандаги илк чўмилтириш ва вафот этгандаги охирги поклаш одамни ўзга оламдан замин оламига, вафот этганда замин оламидан ўзга оламга ўтказишга қаратилган маросим саналади.

Болани бешикка боғлгандан сўнг қуйидаги айтимлар айтилади:

Бешиги тахта,
Орқаси пахта
Эгаси келди,
Кучуги коч.
Ичида ётганнинг,
Баҳрини оч! [11]

Қоч-қоч, қоч бўжилари,
Келди бешикнинг эгалари,
Боламнинг ўзи келди.
Алла қилади
Мазза қилади.

Ёки: Кет-кет бабаси,

Келди эгаси,
Тилло қалъаси.
Гулдай жўжаси

Тақ-тақ гавора,
Душманлари овора.
Эгаси келди,
Бабаси кетсин,
Тошай қотсин,
Қушдай турсин. [12]

Мантда келтирилган *кучук*, *баба* жиннинг таъбулаштирилган номи. Ўзбекларда ёвузлик кучларини номини тилга олса, пайдо бўлади деган инонч сабабли таъбулаштириш анъанаси шаклланган. Масалан, илонни кечаси илон демасдан *узун она* деб атайдилар. Мазкур матнда ҳам айни шу ҳолат кузатилади. Жинларни – ёвуз кучларни кучуги, бабаси номи билан аташ уларни таъбулаштирилишидан далолат беради. Бешикка боғланган болани атрофидан айлантириб, исирик тутатилади. Исирик тутатиш расми турли инс-жин, кўз-сухдан фориғ этиш мақсадида амалга оширилади. Исирик тутунини айлантириб, шундай айтимлар айтилади:

Ҳазорисванднинг донаси,
Шу бегуноҳнинг шонаси,
Чашми эш, чашмаи хеш,
Ҳамсояхон гирди пеш.
Ҳазорисванд ҳазор дори,
Ҳазор дардга давои.

Онасининг кўзи,
Дадасининг кўзи,
Ёмон кўзлар йўқолсин,
Бало-қазо йўқолсин,

Шу болам омон қолсин.[13]

Момо томонидан айтилган айтимларда бола ва онанинг инс-жинсдан муҳофаза қилиниши билан боғлиқ одатлар ўтказилади. Чашми эш, чашми хеш иборалари тожикча сўз бўлиб, атрофдаги, қўни-қўшниларнинг кўзи маъносини англатади. Халқимизда туғилган бола юзида нур бўлади деган тасаввурлар бор. Бегона кишининг чақалоқ юзига кўзи тушса, кўз тегади деб ирим қилинади. Исирик тутатиш расм-русуми кўз магияси билан боғлиқ мифологик тасаввурлар натижасида юзага келган. А.С. Токарев кўз тегиши билан боғлиқ магик қарашларни диннинг «ultimum moriens» ўзига хос шакли сифатида баҳолайди. Унинг қайд этишича, бизга замондош бўлган эътиқодсиз, худога ишонмайдиган зиёлилалар ҳам ўз ҳаётларининг қайсидир ўринларида иримлар ва бахтли ва бахтсиз кунлар, кўз тегиши каби тушунчаларга амал қилишадилар.[14] Олимнинг таъкидлашича, кўз тегиши билан боғлиқ тасаввурлар магиянинг ўзига хос тури бўлган кўз магиясини ташкил этади.[15]

МУҲОКАМА

Ўзбек халқи бешикка боғлаш маросимларида бешикнинг бош томонида кўрпачасини тагига нон, пичоқ, пиёз қўйилади. Нон ризқ-насибали бўлиши учун, пиёз зиён-заҳматдан, кўз-сухдан асраш мақсадида қўйилади. Бу иримлар магик тасаввурларнинг инсон онгида доимий яшашини кўрсатади.

Бешикнинг устига ёши катта, кўп ухлайдиган кишини кийимидан ташлаб қўйилади. Улуғ киши бўлсин, узоқ ва тинч ухласин деган ишонч билан ирим қилинади. Шу тарика уч-тўрт кишидан иборат “бешик кеча” маросими тугайди. Намаганлик ўзбекларда болани бешикка боғлашдан олдин бешикка боланинг отасини оёқ кийимини қўйиб олишаркан. Унинг маъноси отасини изини боссин, деган ниятни ифодалар экан. [16]

Чақалоқни тирноғини олишда ҳамён устига олса пули кўп бўлиши, китобнинг устига илмли бўлиши, қиз болага сурпани устида тирноғи олинса пазанда бўлиши ният қилинади. Боланинг тирноғини мевали дархт тагига ташлаш талаб этилади. Агар бошқа жойга ташланса, болага жинлар ошно бўлиши мумкин деб қаралади. Тиноқ олиш ва у билан боғлиқ иримлар қадимдан барча халқларда мифологик моҳият касб этганлиги Дж.Дж.Фрэзернинг “Олтин бўтоқ” номли асарида ҳам қайд этилади.

Чақалоқ дунёга келгандан сўнг биринчи бор уйга олиб келганда, ўзидан катта опа ёки акаси бўлса чақалоқнинг оёғи кўрсатилади, негаки чақалоқдан куймасин, қизғанмаслиги учун ирим қилинади. Аслида болани юзини эмас оёғини кўрсатиш анъанаси кўз тегиши билан боғлиқ мифологик тасаввурлар таъсирида шаклланган. Чилласи чиқмаган чақалоқ кеч пайти ҳеч қаерда чиқарилмайди. Мабодо кеч тушганда бирон жойга олиб чиқилса, кўкрагига нон қўйилади. Нон-ризқ ҳисобланиб, ризқи билан кетсин, болою-қазодан асрасин, йўлдош бўлсин деган мақсадда ирим қилинади. Ноннинг ёвуз руҳлардан асраши тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ўзбек халқида кўп учрайди. Қадимда озиқ – овқатнинг танқислиги сабабли нон камёб бўлган ва ўзининг сакрал моҳиятини шакллантирган. Шунинг учун нон илоҳий моҳият касб этади деган қарашлар шаклланиб, халқимиз орасида нонни тутиб қасам ичиш, болларнинг ёстиғи остига нон қўйиш анъаналари шаклланган.

Навойи вилояти аҳолиси орасида кўп учрайдиган иримлардан бири – кун ботган вақтда чақалоқни кийими далада қолдирилмайди. Қолдирилса, бола учинади, чилла

тушади, оғринади, деб ҳисоблайдилар. Чилласи чиқмаган боланинг кийимини уйдан ташқарида қолдиришнинг тақиқланиши ҳам ўзига хос мифологик моҳият касб этади. Халқимизда ёвуз кучлар тунда дохл бўлишига ишониш билан боғлиқ тасаввурлар мавжуд. Туркий мифологияда тун демоник кучларнинг фаоллашиш вақти сифатида қаралади. Жанубий Хоразм ўзбекларида бола туғилиши билан боғлиқ инончларни ўрганган Л.А.Фирштейн тадқиқотида ҳам янги кўзи ёриган аёлларнинг бир-бири билан кўришишлари тақиқланганлиги, кўришса, чилла тушади деб ирим қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилади.[17] Фольклоршунос Л.Худойкулова тадқиқотларида эса, Сурхондарё ўзбеклари орасида янги кўзи ёриган оналарнинг чилла даври ва у билан боғлиқ иримлар борасида тўхталиб ўтилган.[18]

ХУЛОСА

Хуллас, ўзбек халқида болани бешикка боғлаш билан боғлиқ маросимлар таркибида амал қилинадиган иримлар тарихий асосига кўра аجدодларимизнинг қадимги сув, олов, аждодлар культлари ва анимистик тасаввурлари таъсирида шаклланган. Иримлар дастлаб мифологик моҳият касб этиб, эътиқод заминида яшаган ва халқ тафаккурида даврлар ўтиши билан оғзаки айтимларга кўчган. Иримларнинг онгдан ҳаракатга, ҳаракатдан оғзаки ижодга кўчиши уларнинг мифопоэтик вазифа бажаришини юзага келтирган. Мана шу нуқтаи назардан бола туғилиши билан боғлиқ иримлар моҳияти табуга дахлдорлиги, мифологик моҳият касб этиши ва маросим таркибида ўринлашуви, унинг семантикаси сўз орқали ифода этилиши унинг фольклорнинг кичик жанри эканлигини кўрсатади.

REFERENCES

1. Бурькин А.А.Тунгусские шаманские заклинания XVIII века в записях Я. И. Линденау//*Сибирская Заимка* (материал Galushko.ru сайтидан олинди) [2.Б.2.]
2. Джеймс Джордж Фрэзер. Золотая ветвь. Исследование магии и религии: В 2 т. Т. 1: Гл. I-XXXIX / Пер. с англ. М. Рыклина. – М.: ТЕРРА–Книжный клуб, 2001. – 528 с. [1.Б.2.]
3. Ёрматов И. Ўзбек халқ ирим айтимларининг жанр хусусиятлари//Ўзбек фольклоршунослиги антологияси. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 2017. – Б. 471- 482.[7. Б-2.]
4. Жўраев М. “Қирқ”нинг қирқ хил тавсифи//Фан ватурмуш. 1980. № 11; Яна ўша. Кўк бўри авлодлари // Фан ва турмуш. 1983.№ 3; Яна ўша. Боболардан қолган нақллар: афсона, ривоя, ирим-сирим ва халқ тақвими (тўплаб нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи М.Жўраев, У.Сатторов). – Тошкент, Фан. 1998. [5.Б-2]
5. Пропп В.Я.Исторические корни волшебной сказки. (четверты издание), – Москва, Лабиринт, 2000, – 335 с. [3.Б-2.]
6. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, Фан, 1986. – Б.65/[4.Б-2]
7. Қаюмов О. Ирим ва мифологик талқин//Адабиёт гулшани. Илмий мақолалар тўплами. 2- китоб.– Навоий, 2001. – Б. 16-22/ [6.Б-2.]
8. Жўраев М. Ой-олдида бир юлдуз. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи– Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. – Б. 8. [8.Б-3]

9. Жўраев М. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. – Б.6. [11.Б-6]
10. Жўраев М. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. – Б.5-10 бет.[12.Б-6]
11. Ўша манба (13.Б-7)
12. Муллифнинг фольклор экспедицияси материалларидан. 2015 йил 21 апрелда Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Учтут қишлоғида яшовчи 54 яшар Мукаррам Турдиевадан ёзиб олинган.[10.Б-5]
13. Наманганлик адабиётшунос олима Х.Ҳамрокуловадан фольклоршунос Қаюмов О. 2022 йил апрелда ёзиб олган. [16.Б-8]
14. Қаюмов О. Ўзбек шомон маросим фольклори. – Тошкент, Иқтисод-молия, 2020. – Б. 16.[9.Б-4]
15. Токарев С.А. Ранние формы религии. – Москва, Политиздат. 1990. – С. 6. 407. С. (622 с.) [14.Б-7]
16. Токарев С.А. Ранние формы религии... – С. 407.[15.Б-7]
17. Фирштейн Л. А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением и воспитанием ребёнка у узбеков Южного Хорезма // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва, Наука, 1978. – С.192.[17.Б-9]
18. Худойкулова Л. Рождение ребёнка и связанные с ним обряды в узбекском фольклоре// Филологические науки. Вопросы теории и практики (входит в перечень ВАК). – Тамбов, Грамота, 2010. № 3. – С. 166-169.[18.Б-9]